



20 20у « 2 » июль

№ Қ-307

« » 20 г.

Олтинсой тумани “Хўжасоат” массиви худудидан “ALTIMABIL GROUP” МЧЖга “Тош майдалаш ҳамда қурилишда пардозлаш материаллари ишлаб чиқариш”ни кенгайтириш мақсадида ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 03-02/342-сон йиғилиш баёни, Олтинсой тумани ҳокимининг 2020 йил 20 майдаги 01-03/117-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 03-02/342-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Олтинсой тумани “Хўжасоат” массиви худудидан “ALTIMABIL GROUP” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидан қишлоқ хўжалик харитасининг 405, 406 ва 407-дала контурларидаги 2,0 гектар яйлов ер майдони “Тош майдалаш ҳамда қурилишда пардозлаш материаллари ишлаб чиқариш”ни кенгайтириш мақсадида доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “ALTIMABIL GROUP” МЧЖ “Тош майдалаш ҳамда қурилишда пардозлаш материаллари ишлаб чиқариш”ни кенгайтириш мақсадида ажратилаётган 2,0 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 26 801 360 (йигирма олти миллион саккиз юз бир минг уч юз олтимиш) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўз вазифасида Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳ/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Олтинсой тумани ҳокимлиги (А.Джумаев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонқулов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов